



КАФТИМИЗНИНГ ЧИЗИҚЛАРИ

Кафтимизнинг чизиқлари, Қўлимиздаги налар — Параллеллар тармоғи эмас, На меридианлар гардиши, На тоғлардаги эгри йўл, На дараклар танасидаги чандиқлар, На қадимий ҳарб-ҳамланинг ямоқ-ямоқ араси.

Кафтимизнинг чизиқлари, Қўлимиздаги йўллар — Хандақдаги иллонлар эмас, На ёвойи тиконлар боған Сўқмоқдаги ўргиччақ уяси, На зинистон зовурининг тирқичи, На зинистон зовурининг тирқичи, На зинистон зовурининг тирқичи.

На озуниги клма-тешик яраси.

Қўлимизнинг чизиқлари — Мусибат илдиз отган Тор қўчанинг айланмаси эмас, На аччиқ қўз ёшлар қўйилган Каналларнинг нозик риштаси... На адоват занжиридир, На сирмоқнинг арқони... Қўлимизнинг чизиқлари — Сарик, қора ва оқидир — Чегараларнинг лентаси эмас, На далалар марзасидир, На ниқоқлар дастаси чулғанган

Тўғанининг чангалдор бармоғидир.

Қўлимизнинг чизиқлари — Бу ҳаёт йўлидир — Дўстлик ва ёруғ тақдир, Юрак ва Бахт йўлидир.

Қўлимизнинг чизиқлари — Бутун қитъалардаги Ўқилар ва тирқичлари Абдий бирлаштирган Нозик занжирдир.

Қўлимизнинг чизиқлари — На қорадир, На опқодир, На сарик.

Қўлимизнинг чизиқлари — Озуларни маҳкам боғлади Гулларнинг улкан қучоғига.

Тўра МИРЗО таржимаси.

РЕКЛАМА

ЭЪЛОНЛАР

М. Қориевнинг номидagi ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1, 2 октябрь соат 14.00 да

ТОШКЕНТ 2000 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕИГА БАҒИШЛАНАДИ

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

КАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ профессионал бадий коллективлар кури-ги-конкурс ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти-нинг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК»

АНСАМБЛИ

Фаргона область филармониясининг солисти, лирик хо-нанда

Нуриддин ХАЙДАРОВ,

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзе-кистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Қизлархон ДУСТМУХАМЕДОВА

Солистлар: Салоҳиддин МУХИДДИНОВ, Тўлқин ХАЙ-ДАРОВ, Дилором ҚАЙУМОВА, Хотам ХОЖИЕВ ва бош-қалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСВОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўткир СИДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадий раҳбари ва бош ба-лестмейстери — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти-нинг лауреати Қодир МҲМИНОВ.

Музыка раҳбари — Исмаилов РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Касса соат 11.00 дан ишлайди.

УНУТИЛГАН ШЕЪР

Мен арақлаб эски китобдан Унутилган шеърини тойдим. Диллим равшан тортиб шу тобда, Хаёл бўлиб ўтмишга чондим. Бир арақ шеър, нақадар азиз, Ўн йил аввал менга аталган.

Номим битиб, бармоғимдан из — Сарик қозғо бетида қолган. Тўрт буклоглик бу ўша қозғо, Шопа-ишса тез ёзилган шеър. Гарчи ўқиб қийиндир бир оз, Лек мазмунни танишман-ку дер.

ОБУНА — 84

САЁХАТ ИШҚИБОЗЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

«ТУРИСТ» журнали туризм ва экскурсияларга бағишлаб чиқариладиган мам-лакатидаги ягона ойик наширдир. Бутуниттифоқ ка-саба союзулари Советнинг Халқлар дўстлиги ордени бу журнали Совет Иттифо-қидоғида эмас, балки 30 дан ортқ хорижий мамлакат-ларда ҳам тарқалади.

«Турист» — кенг профил-даги журнал. У килма-кил жанрларда материаллар, рангли суратларни эълон қи-лади. Унинг саҳифаларида қизиқарли йўл очерклари, ҳикоялар, похот кундалик-лари, қўшиқлар, шеърлар, туризм ва экскурсия янги-ликларини ўқиб мумкин. Шунинг учун ҳам у турист ва экскурсантлар орасидаги-на эмас, балки табиат ишқи-бозлари, ўлкани ўргувчи-лар орасида кенг оммала-шиб кетган.

Журналда ўқувчи касаба союзулари турист-экскур-сия ташкилотларининг иш тажрибаси, социалистик му-сабака илорлари ҳақида очерклар, энг яхши жамоат-чи активистлар, йирик ту-

ристик мусобақалар тўғри-сида, турист клублари ва секцияларининг ҳаёти тўғ-рисида, саноат корхоналари ишчилари, қишлоқ аҳлиниги меҳнатчиларининг актив-дам олиши ҳақидаги матери-риаллар билан танишади.

Журналхонлар «Беш йиллик маршрутлари бўй-лаб», «Экскурсияга таклиф қиламиз», «Машғала», «Меҳнатга ҳамдам», «Юз тил сўмоқ», юз тил йўл» каби рубрикаларни, турист-лар аяқомлари ва қўбдола буюмлари тўғрисидаги мате-риалларни, қаргалар, туризм бўйича тематик сонларни юқори баҳолаб келмоқда-лар.

Редакция аввалги йилла-ри «Турист»га ўз вақтида ёзилмай қолган ўқувчи-лардан қўлаб хатлар олди. Саёхатлар, экскурсиялар, табиат, тарих ва маданият ёдгорликлари билан фаол қизиқадиган кишилар мам-лакатидаги бирдан-бир

бу туристик нашрининг до-ний ўқувчисига айланиш учун унга айна шу кунлар-да обуна бўлишни унутмас-ликлари лозим.

Журнал редакцияси айни вақтда ўз ўқувчилари ҳақи-да баъзи маълумотларга ага бўлишни ҳам истади. Жур-нал ўқувчиларининг ёши, касби, маълумоти, турар-жойи, туристик малакаси ҳамда туризмнинг қайси ту-ри билан шугулланиши ҳа-қидаги хатлари қимматли-я. Журнал редколлегия-си «Турист»га эълон қилин-ган материаллар ҳақида, маъмур нашрининг мазмун-и ва безатилиши тўғрисида ўқувчиларнинг фикрларини билишни истади.

Журнал ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни қуйидаги адресга ёзиб юбориш мум-кин: 107078, Москва, В. Ха-рионовский переулок, 14, «Турист» журнали редак-цияси.

ФАКТ ВА ШАРХ

ишланган тақинчоқлар 40 процент ёғоч ва фил сулги-дан ишланган буюмлар 50—60 процент арзонлаштирил-ди.

Харидорларимиз нархи 30—60 процент арзонлашти-рилган Афғонистон, Миср Араб Республикаси, Сурия, Хиндистон, Греция, Япония гиламларини, қўлда тўқил-ган гилам ва папосларни кўпроқ ола бошладилар.

Юқорида қайд қилинган арзонлаштирилган буюмлар Тошкент Марказий универ-маги, Тошкент Бош универ-маги, Чилонзор марказий универмаги, Фрунзе савдо маркази, «Ташоувторг», «Таштекстиль швейторг», «Ташгалантерейторг», «Таш-хосторг» ва «Шухрат» мак-таб-магазинида кенг қўламда сотилмоқда.

Биз тошкентликларни ва шаҳримиз меҳмонларини ана шу савдо шаҳобчалари-га таклиф қиламиз.

НИМА АРЗОН БЎЛДИ?

Айни кунларда пой-тахтдаги савдо шаҳоб-чаларида бўйсиз, айрим молларнинг арзонлаш-тириши ва нархда сотилмаган-лигининг гувоҳи бўла-сиз. Бу бир қатор қу-лайликлар яратди. Чу-нончи, харидорлар-нинг манфаатдорлиги ошиши билан бирга қатор қўлаб молларни сотиш тезлашди. Газе-тадаги махсус муҳбир А. Носирова Тошкент шаҳар иқроия комите-ти савдо бош бошқар-масининг бошлиғи Н. АХМЕДОВдан шу ху-сулда таъриб бериш-ни илтимос қилди:

— Маълумки, ҳукума-тининг кўрсатмасига муво-фиқ 1983 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ва коопе-ратив савдоси чакана тармо-ғида молларни пасайтирил-

ган нархларда мавсумий со-тиш ўтказилди. Бундай моллар жумласига енгил са-ноатнинг қўпига турдаги махсулотлари, шунингдек, маданий-маиший буюмлар ва рўзгор асбоблари, жами 3 миллиард сўмлик мол ки-риштирилди. Бу моллар доимий савдо қилинадиган магазин-ларда сотилмоқда. Шу му-носабат билан товарларнинг турлари бўйича пасайтирил-ган процентларини эслаб ўқи-тишни лозим деб ўйла-ман.

Маданий-маиший моллар 25 процентдан 50 процентга-ча, ҳўналик моллари 30 процентдан 60 процентга-ча, пардоз ва косметика буюм-лари 55 процентга-ча, аттор-лик моллари 20 процентдан 60 процентга-ча, таёёр ки-йимлар 65 процент, жуяли ва илақ газламалар 20 про-центдан 30 процентга-ча, пойабзаллар 55 процент, яримкимматбаҳо тошлардан

«ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ»

йил бадий ҳаваскорлик ан-самбли ташкил этишга қарор қилди. Бир йил ўтар-ўтмас коллективга раҳбарлик қилиш учун композитор Ҳаким Нишо-нов таклиф этилди. Ўша пайт-да ансамблда 62 нафар кол-хозчи ёшлар иштирок этар, та-бииники, уларда ҳали тажриба ва маҳорат етмас эди. Мо-хир ташкилотчи ва меҳрибон мураббий Ҳ. Нишонов ҳавас-корларнинг орзу ва истақла-рини қучур тушунган ҳолда, уларга санъатнинг ўзига хос сирларини пухта ўргата бош-ладик.

1961 йил апрель. Бу сана ансамбль иштирокчиларининг ёддан кўтарилмади. Ўзе-кистон ССР Маданият ми-нистрлигининг қарори билан ҳаваскорлар коллектив қишлоқ меҳнаткашларига намуна-лиги маданий хизмат кўрсатган-лиги учун республикада би-ринчи бўлиб, «Халқ ашула ва рақс ансамбли» деган фахрли унвонга сазовор бўлди.

Бадий коллективнинг тар-жиман ҳолида бундай воқеа-лар жуда кўп. 1963 йили халқ талантлари колхоз ансамбл-лари орасида биринчи бўлиб Кремль сажнасида концерт кўрсатдилар.

Ансамбль турли санъат аниқманларида ҳам фаол иш-тирок этиб келмоқда. Хусу-сан, халқ талантлари СССР-

нинг 50 йиллигига бағишлан-ган бадий ҳаваскорлик кол-лективлари Бутуниттифоқ фести-вали, шунингдек, Улуғ Ок-тябрь революциясига бағиш-ланиб ўтказилган қишлоқ ба-дий ҳаваскорлик коллектив-ларининг республика ва Бу-туниттифоқ фестиваллари-нинг лауреатлигига ҳам мувс-сар бўлдилар. 1969 йил кол-лектив иштирокчилари Эсто-ния ССРда, 1971 йил Болга-рияда ўз санъатларини намо-йиш қилиб, диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди-лар. 1977 йилда эса санъат-моллар Болгарияга иккинчи марта сафар қилишиб, Тош-кент области ва Хасково округи ўртасидаги дўстликча чо-рак аср тўлиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда иштирок этилдилар.

— Кейинги йилларда бадий коллективимиз репертуари ян-ги қўшиқ ва рақслар ҳисобига бойиди, сафимизга кўпгина истеъдодли ёшлар келиб қў-шилди. — дейди ансамбль-нинг бадий раҳбари, Ўзе-кистон ССРда хизмат кўрсат-ган артист Ҳаким Нишонов. — Репертуаримизда ўзбекча, русча, озарбайжонча, тожикча ва бошқа халқларнинг энг ях-ши қўшиқ ва рақслари мус-таҳкам ўрн олган.

Ансамбль шўхрати йилдан-йилга ошиб, унинг сафларини

санъатга юракдан меҳр қўй-ган ёшлар тўлдирга бошлади. Шу тарихи бадий коллектив-нинг ажралмас қисми бўлган «Ўзбек гуллари» вокал-чолгу ансамбли (бадий раҳбари Н. Қаримов), ёш рақсчи қизлар (раҳбари М. Ҳасанова) ва ёш доирчалар студия (раҳбари И. Юсупов)ларга вужудга кел-ди. Шу тарихи Ўзбекистон ССР Театр ва маданият ва М. Қориевнинг номидagi респу-бли-

ка Давлат филармонияси ота-лигидagi колхоз ансамбли борган сари катта эътибор қо-зонмоқда.

Областимизда бадий ҳа-васкорлик ижодийтини ри-вожлантиришдаги хизматла-ри ва қишлоқ ёшларини эсте-тик жиҳатдан таъбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун Бутуниттифоқ бадий ҳавас-корлик коллективлари фести-валининг лауреати «Дўстлик



Суратда: ансамблининг бир гуруҳ рақсчолари ўз маҳо-ратларини намоиш этмоқдалар.

тароналари халқ ашула ва рақс ансамблининг об-ласт Ленин комсомоли мукофоти-га номзод қилиб кўрсатилган халқ талантларига билдирил-ган катта ишончининг ифода-сидир. Бу юксак ишончини оқ-лаш учун колхоз санъаткорла-ри бундан кейин ҳам ўзлари-нинг янгидан-янг қўй ва қў-шиқлари, жозибали рақслари билан қишлоқ меҳнаткашлари-нинг меҳр-мухаббатини қо-зонвердилар, деб ишона-миз.

Р. ГАНИЕВ.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИ!

«ЮНЕСКО»нинг қўйидаги нашрларига

1984 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Табиат ва ресурслар. Музеум. Импакт: фан ва жамият. Маданият. Перспективалар: таълим масалалари.

ЖУРНАЛЛАР РУС ТИЛИДА НАШР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СО-ЮЗПЕЧАТЬ» бош-қармаси.

ТЕАТР

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/IX да Абай, 1/Х да Иккинчи тоғи, 2/Х да Ҳар тўқинда бир айб. МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/IX да Тошкент, 1/Х да Тўқдан олдин то-моша, 2/Х да Мангулик.

«Тошкент ханшати» га-зетаси коллективни редак-циянинг собиқ ходими Павел Михайлович ШЕСТАКОВНИНГ вафоти муносабати билан меҳрумининг оиласига чу-қур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:

700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транс-порт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, мадани-ят ва олий ўқув юртлири — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомуҳбир — 325894.

